

Вақтнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти



10:20 / 18.10.2018 2578

Инсон ҳар тонг янги кунни қарши олар экан, унинг ихтиёрига 24 соат вақт берилади. Бу унга ҳар куни бериладиган 1440 дақиқа ёки 86400 сониялик фурсатдир. Ҳаётнинг вақтимиз ҳақида ўйлаб кўрадиган бўлсак, соат милларининг “чиқ-чиқ”лари, аслида азиз умримизнинг тўхтовсиз парчаланиб кетаётган онлари эканини ҳис этамиз. Ушбу онлар бизнинг яхши ё ёмон амалларимизга гувоҳ бўлиб ўтиб бормоқда.

Вақтга эътибор ўта муҳим бўлганидан, динимизга кўплаб тоат-ибодатлар аниқ вақтга хослаб қўйилган. Бир кунда адо этиш лозим бўлган беш вақт намозга алоҳида-алоҳида вақт тайин қилинган. Уларни жамлаб бир вақтнинг ўзида адо этиш асло мумкин эмас. Чунки уларни белгиланган, яъни ўз вақтида адо этиш фарздир. Бу эса вақтнинг аҳамияти нақадар муҳим эканлигини билдиради.

Рўза тутиш ҳам аниқ вақтга, фақат Рамазон ойига хослаб қўйилган. Шу ойдан бошқа йилнинг барча ойларида рўза тутилса ҳам, Рамазон рўзасининг ўрнига ўтмайди. Чунки Рамазон рўзаси бўлиши учун шариатда белгиланган вақтда рўза тутиш шарт. Бу ҳам вақтнинг аҳамиятли эканини билдиради.

Ҳаж ибодатини адо этишда ҳам аниқ вақт, яъни арафа куни Арофатда туриш белгилаб қўйилган. Шу вақтдан ташқари, йилнинг бошқа ҳамма кунда Арофат тоғида турилса ҳам, ҳаж ибодати адо этилган ҳисобланмайди. Чунки ҳаж бўлиши учун шариатда белгиланган аниқ вақтда Арофат тоғида туриши шарт. Бу ҳам вақтнинг аҳамиятли эканидандир.

Қурбонлик қилишнинг ҳам аниқ вақти мавжуд. Уч кун ичида сўйилмаса, кейин сўйгани қурбонликка ўтмайди. Чунки қурбонлик бўлиши учун шариатда белгиланган аниқ вақтда қурбонлик қилиш шарт. Бу ҳам вақтнинг аҳамиятли эканидандир.

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Динимизда ибодатларнинг аниқ вақtlари тайин қилиб қўйилгани мусулмон кишини вақтга риоя қилишга ҳамда қатъий тартиб ва интизом билан яшашга ўргатади.

Қуръони каримнинг кўплаб оятларида вақтнинг қиймати ва аҳамиятини билдириб, тун, кундуз, тонг, субҳидам, шафақ, чошгоҳ ва аср вақtlари билан қасамёд этилган.

Агар вақтнинг аҳамияти ҳақида тафаккур қиладиган бўлсак, уларнинг нақадар ғанимат лаҳзалар эканлиги кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда,

“Уламолар наздида вақтнинг қадри”

китобидан

Қудратуллоҳ Сидиқметов, Абдулқодир Пардаев таржимаси